## № 1 - сонли шартнома

**Лойиха – смета хужжатларини бажаришга**

«25» 03 2022 йил Наманган шахри

Келгуси ўринларда **«Буюртмачи”** деб юритиладиган ва низом асосида фаолият **кўрсатадиган «Наманегансувқурилишинвест» ДМ** унинг директори **А.Ганиев** бир томондан, хамда келгуси ўринларда “Пудратчи” деб юритилади ва Низоми асосида фаолият кўрсатадиган **“Стандарт саноат сервис” МЧЖ номидан** иккинчи томондан **Р.Далиев** ишчи лойихасини тайёрлаш учун пудрат шартномасини туздилар:

**1.Шартноманинг мазмуни**

1.1. Буюртмачи топширади, Пудратчи ўзига қуйдаги ишларни Наманган вилояти Шимолий Фарғона магистрал каналининг Наманган шахар худудидан ўтган чап қирғоқ ПК393+50 дан ПК398+50 гача қисмини химоялаш объекти лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиб бориш ишчи лойихасини бажаришга киришади.

1.2. Пудратчи кўрсатиб ўтилган ишларни “Корхона,бино ва иншоотлар қурилишга лойиха-смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш” хақида 1.03 01-96 КМК қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошка талаблар ишларни бажариш учун техник топшириқларда бўлади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.4. Ишларнинг алохида босиқичларининг рўйхати ва бажариладиган муддати календар режа асосида аниқланади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.5. Буюртмачининг номидан ишларни бошқариш ва назорат қилишни бош мухандис олиб боради.

1.6. Пудратчи буюртмачи (мухандис) томонидан ёзма рухсатини кутмасдан қўшимча ички хўжалик шартномасини (Пудратчи томонидан бажарилмайдиган,
лекин мазкур шартномани бажаришда керак бўлган махсус тадкикот ишларига) тузишга хақлидир.
Қўшимча шартномалар тузиш Пудратчининг зиммасига юклатилган мазкур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарликдан озод этмайди.

1.7. Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.8. Бажарилган ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблаглари хисобидан амалга оширилади.

**2.Томонларнинг мажбуриятлари**

**2.1. Пудратчининг мажбуриятлари**

Пудратчи Буюртмачи томонидан берилган техник топширик ва бошка бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариши лозим;

- Буюртмачи билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишади, шартнома бўйича бажариладиган ишлар хақида буюртмачига ахборот жўнатади.
- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;
- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;
- Ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;
- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.
- Пудратчи мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни мухандиснинг рухсатисиз учинчи шахсга беришга хакли эмас.
- Лойиха-смета хужжатларини шартнома руйхатдан ўтказилган кундан **сўнг** тўлик бажариб, буюртмачига топшириши шарт.

- Лоиха-смета хужжатларини асосланган курилиш норматив хужжатларига мувофик буюртмачи томонидан такдим этилган ишларни лойихалаш хакидаги топширик ва бошка бошлингич маълумотларга асосан бажаради.
- Пудратчи лойиха-смета хужжатлари хамда буюртмачига такдим этилган бошка курилишга доир хужжатлардаги камчиликлар учун, шу жумладан курилиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар булади. Лойиха-смета хужжатларида аникланган камчиликларни пудратчи буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чикиши ва шунга мувофик зарур кушимча кидирув ишларини бажариши, бунинг окибатида буюртмачига етказилган зарарни, хусусан йукотилган вакт хамда уз муддатида бажарилмаган ишлар хажми буйича жаримани тулаши лозим.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги № 5445-сонли "2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошка давлат бошқаруви органларини ҳамда максадли вазифаларга эришишларини бахолашнинг асосий меъзонлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги "Лойиха – тадқиқот ишларининг қийматини муддатларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ги 396-сонли буйруғи 8-иловасига асосан **"Пудратчи"** томонидан бажарилган ишчи лойиха учун ажратилган маблаглари хисобидан хар ойда камида бир маротаба **муаллифлик назоратини** бажаришни хам ўз зиммасига олади.

**2.2. Буюртмачининг мажбурияти**:

Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни тўлаши керак.
- Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда иш хажмларини бажаришда таъсир кўрсатиш;
- Пудратчи билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;
- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик.
- Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сифатини кузатиб бориш;

## 3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1. Мазкур шартнома киймати **39 950 000 (**ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз эллик минг сўм) сўмни, шундан **ККС 0 (нол)** сумни, муаллифлик назорати **1 997 500** (бир миллион тўққиз юз тўқсон етти минг беш юз сўм) сўмни ташкил этади.

3.2.Буюртмачи пудратчига олдиндан мазкур шартноманинг умумий кийматидан 30% микдори **11 985 000 (**ўн бир миллион тўққиз юз саксон беш минг сўм ) сўм аванс тўлашни ўз зиммасига олади, томонлар уртасида топшириш кабул килиш далолатномаси имзолангандан сунг 70% микдори тасдиқланган календар режа асосида босқичма - босқич тўлаб борилади.

3.3. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишлар хакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин маблагни 15 банк куни мобайнида тўлов ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган курилиш нархи ва муддати узил-кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди, айрим холлар бундан мустасно.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1.Ишларни бажариш муддати буюртмачи томонидан техник топширик,техник шартлар ва техник хулосалар берилган кундан бошлаб **10 кун.**

4.2. Бажарилган ишларни бахолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида бахоланади.

4.3. Пудратчи томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиш лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топширикда аниқланади.

4.4. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топширикда кўрсатилгандек топшириш – қабул килиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар комплектини тақдим этади.

4.5. Буюртмачи мазкур шартноманинг 4.3.-бандида кўрсатилганидек, топшириш – кабул килиш далолатномаси ва хисобот хужжатлари бажарилган ишларни 30 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш – қабул қилиш далолатномаси жўнатади. Топшириш – қабул килиш далолатномаси буюртмачи томонидан имзоланмаса, бажарилган ишларни, хизматларни қабул килишда асосли эътироз

оилдирилмаган холларда пудратчи юқорида курсатилган муддатда оанкка оир томонлама бажарган ишлари эвазига хақ тўлаш учун талаб қўйишга хақли.

4.6. Бажарилган ишларни топшириш - қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.7. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги маълум бўлиб колса, томонлар 5 кун мобайнида бир – бирларини ишлар тўхтатилганлиги хақида хабардор қилишлар шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзланган мажбуриятлар юкланади.

4.8. Ўзаро хисоб – китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш хақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Буюртмачи ўз вақтида олдин тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган холларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирлган муддатда узайтирилади.

5.2. Буюртмачи аввалдан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўлаш мажбуриятларини бажармаган холларда, Пудратчи ўзининг мажбуриятларини тўхтатиб туришга хақли, бунда Буюртмачи Пудратчининг кўрган зарарини тўла қоплайди.

5.3. Буюртмачи олган мажбуриятини бузганлиги учун пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятининг ижро этилмай қолган қисмининг 0.4 фоиз хажмида тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

5.4. Пудратчи ишларни бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун у Буюртмачига ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0.5 фоиз хажмида тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Пеня тўлаш шартнома мажбуриятини бузган томонни

кечиктириб бажарган иши ёки кўрсатган хизмати оқибатида келтирилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.5. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни беғараз бартараф этиши керак.

5.6. Агар пудратчи ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.7. Агар содир бўлишига томонларнинг хеч бири жавоб бермайдиган (форс-мажор) холлар юзага келса томонлар ўз харакатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига суянадилар.

5.8. Агар бажарилган ишлар кўрсатилган хизматлар керакли сифатга техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Буюртмачи бажарилган ишлардан бош тортишга хақли. Пудратчидан сифатга жавоб бермайдиган иш қийматининг 5 фоизи хажмида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган ишларга хақ тўлаб қўйилган бўлса белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга хақли.

5.9. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хуқуқий базаси тўғрсида"ги қонуннинг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс-мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошқа бартараф этилиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томолар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг

ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.
6.2. Агар бартараф этилиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни мухокама қиладилар.
Агар томонлар 2 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар кайсиси шартномани бекор килинишини талаб қилишга хақлидир.
6.3. Буюртмачи тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги Пудратчи учун "форс-мажор" холатига тенг хисобланади.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Буюртмачи 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташкари, пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдалнишга хақли эмас, пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш хукукига эга.
7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг "хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида"ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига асосан белгиланади.

## 8.Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари.

8.1. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача .
8.2. Мазкур шартнома томонлар имзо чеккандан сунг, вилоят Газначилик бошкармаси руйхатидан ўтган кундан кучга киради ва унинг шартлари тўлик бажариб бўлингунча хақиқий хисобланади.
8.3. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугашига карамай, томонлар шартларни бузганликлари жавобгарлигидан озод этмайди.

## 9. Бахсларни хал этиш тартиби

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар қонунчиликда белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан қараб чиқилади.
Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

| Буюртмачи: «Наманганcувкурилишинвест» ДМ | Бажарувчи: «Стандарт саноат сервис» МЧЖ |
|---|---|
| Наманган ш Ибрат кучаси №33 уй | Наманган ш. Марғилон кўча 16 уй |
| Тел: 69-227-06-44 факс 69-227-19-98 | Тел: 69-227-97-06 |
| ШХВ: **100010860144017049801170105** | х/р 20208000500401429001 |
| ИНН: 200 056 161 ОКОНХ: 69 000 | |
| Узб. Респ. Молия Вазирлиги Газначилиги | Асака банк АТБ Наманган ш. |
| Узб. Респ. МБ ХККМ Тошкент ш. | МФО: 00231 ИНН: 303054208 |
| Х/Р: 23402000300100000101О | ОКОНХ: 66000 |
| МФО: 00014 ИНН: 201122919 | |
| **Директор:** А.Ганиев | **Директор:** Р.Далиев |
| **Юрист:** Ж. Ганиев | **Юрист:** |

# М У Ҳ О К А М А   А Х Б О Р О Т И

“25” 03 2022 йил Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги “Намангансувқурилишинвест”ДМ ташкилоти томонидан 2022 йил “11” мартдаги №22110012048437-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган вилояти Шимолий Фарғона магистрал каналининг Наманган шахар худудидан ўтган чап қирғок ПК393+50 дан ПК398+50 гача қисмини химоялаш объекти лойиха-смета хужжатларни тайёрлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 60 ва 61- моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Стандарт саноат сервис” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**“Намангансувқурилишинвест”**
**ДМ директори:** **А.Ганиев**

**Лойиха ва танлов хужжатларини**
**тайёрлаш бўлими мутахассиси:** **З.Мамаджанов**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 48437 на приобретение Наманган вилояти Шимолий Фарғона магистрал каналининг Наманган шахар худудидан ўтган чап қирғоқ ПК393+50 дан ПК398+50 гача қисмини химоялаш объекти ЛСХни ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиббориш

Способ проведения электронный

Дата 18.03.2022

Время рассмотрения 18.03.2022 16:54

Конкурсная комиссия ГУП Намангансувкурилишинвест, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KARABAYEV RAVSHAN BOYDEDAYEVICH | директор ўринбосари | "Намангансувқурилишинвест" ДМ |
| **Секретарь комиссии** | USMONOV XOJIAKBAR MAVLONXON O'G'LI | етакчи мутахассис | "Намангансувқурилишинвест" ДМ |
| **Член комиссии** | NIZAMOV SULTON BAXADIRXANOVICH | Лойихаларни техник кузатиш бўлим бошлиғи | "Намангансувқурилишинвест" ДМ |
| **Член комиссии** | MAXKAMOV OLIMJON PAZLIDDINOVICH | Лойиха бўлими бошлиғи | "Намангансувқурилишинвест" ДМ |
| **Член комиссии** | QORIMAMATOV AXADXON AXMADOVICH | Бош мутахассис | "Намангансувқурилишинвест" ДМ |
| **Член комиссии** | MAMADJANOV ZAYNITDIN PAZLITDINOVICH | етакчи мутахассис | "Намангансувқурилишинвест" ДМ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.03.2022 года № лота 48437.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по проектно - изыскательной работе** |
|---|---|
| Подробное описание | Наманган вилояти Шимолий Фарғона магистрал каналининг Наманган шахар худудидан ўтган чап қирғоқ ПК393+50 дан ПК398+50 гача қисмини химоялаш объекти ЛСХни ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиб бориш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 51 606 000.00 |
| Стартовая сумма | 51 606 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Наманган вилояти Шимолий Фарғона магистрал каналининг Наманган шахар худудидан ўтган чап

қирғоқ ПК393+50 дан ПК398+50 гача қисмини химоялаш объекти ЛСХни ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиб бориш хамда сув хўжалигига ихтисослашган лицензия бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ГУП SUVLOYIXA | 35 | Сув хўжалигига ихтисослашган лицензия | 32 | Экспертная | | |
| STANDART SANOAT SERVIS МЧЖ | 35. | 35 | 35 | Экспертная | | |
| INVENT DIZAYN SERVIS МЧЖ | 35 | Лицензия | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Сув хужалиги курилиш объектларини лойиха-смета хужжатларини тайёрлашда етарли малакага эга эмас. Сув хужалиги курилишларини лойихалашга лицензия йук |

Критерий №2 Топогеодезик ишларини бажариш учун лицензия бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ГУП SUVLOYIXA | 30 | Топогеодезик ишларини бажариш учун лицензия | 25 | Экспертная | | |
| STANDART SANOAT SERVIS МЧЖ | 30 | 30 | 30 | Экспертная | | |
| INVENT DIZAYN SERVIS МЧЖ | 30 | Лицензия | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Сув хужалиги курилиш объектларини лойиха-смета хужжатларини тайёрлашда етарли малакага эга эмас. Сув хужалиги курилишларини лойихалашга |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | лицензия йук |

Критерий №3 Охирги 3 йил давомида 10та соха бўйича объект бажарилган бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ГУП SUVLOYIXA | 30 | Охирги 3 йил давомида 10та соха бўйича объект бажарилганлиги ва Умумий маълумотлар | 25 | Экспертная | | |
| STANDART SANOAT SERVIS МЧЖ | 30 | 30 | 28 | Экспертная | | |
| INVENT DIZAYN SERVIS МЧЖ | 30 | 3 йил давомида объект бажарилган руйхати | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Сув хужалиги курилиш объектларини лойиха-смета хужжатларини тайёрлашда етарли малакага эга эмас. Сув хужалиги курилишларини лойихалашга лицензия йук |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| ГУП SUVLOYIXA | 51 606 000.00 | 43 700 000.00 | 17.03.2022 17:56:06 | 91.42 |
| STANDART SANOAT SERVIS МЧЖ | 51 606 000.00 | 39 950 000.00 | 17.03.2022 19:35:38 | 100.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| INVENT DIZAYN SERVIS МЧЖ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| ГУП SUVLOYIXA | Прошел | 91.42 | 91.42 |
| STANDART SANOAT SERVIS | Прошел | 100 | 100 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| МЧЖ | | | |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 48437 от 18.03.2022 года на приобретение Наманган вилояти Шимолий Фарғона магистрал каналининг Наманган шахар худудидан ўтган чап қирғоқ ПК393+50 дан ПК398+50 гача қисмини химоялаш объекти ЛСХни ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олибориш определила победителем:

STANDART SANOAT SERVIS МЧЖ
303054208

и резервный исполнитель: ГУП SUVLOYIXA (201059078)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KARABAYEV RAVSHAN BOYDEDAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | QORIMAMATOV AXADXON AXMADOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NIZAMOV SULTON BAXADIRXANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXKAMOV OLIMJON PAZLIDDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMADJANOV ZAYNITDIN PAZLITDINOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП